

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВА СУРАЙЁ БУЛТАКОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ
ҲАМКОРЛИГИ

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Докторлик (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (PhD) диссертации

Content of the Abstract of the doctoral (PhD) dissertation

Усманова Сурайё Бултаковна

Ўзбекистон Республикасининг туризмни ривожлантириш соҳасидаги
халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги.....3

Usmanova Surayo Bultakovna

International-legal cooperation of the Republic of Uzbekistan in the sphere
of tourism development.....23

Усманова Сурайё Бултаковна

Международно-правовое сотрудничество Республики Узбекистан в
сфере развития туризма.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....45

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Tar/Yu/I.24.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

УСМАНОВА СУРАЙЁ БУЛТАКОВНА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ТУРИЗМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО-ҲУҚУҚИЙ
ҲАМКОРЛИГИ

12.00.10 – Халқаро ҳуқук

ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (Ph.D)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Yu137 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uwed.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адилходжаева Сурайё Маҳкамовна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бобоқулов Иномжон Ибрагимович
юридик фанлар доктори, доцент

Эшматова Феруза Фарходовна
юридик фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

**Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги ҳузуридаги Юристлар
малакасини ошириш маркази**

Диссертация ҳимояси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. Таг/Yu/I.24.01 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (99871) 267-67-69, факс: (99871) 267-09-00; e-mail: rectorat@uwed.uz)

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100077, Тошкент ш., Мустақиллик кўчаси, 54. Тел.: (99871) 267-67-69)

Диссертация автореферати 2019 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2019 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

И.А.Хамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ш.Умарханова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, юридик фанлар доктори

Б.И.Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси
ўринбосари, юридик фанлар доктори,
доцент

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрда дунёда туризм ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришишнинг ўзаро мутаносиблиги мазкур соҳадаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бирлашган Миллатлар Бутунжаҳон Туризм Ташкилоти (БМБТТ) томонидан 2017 йил «Туризм этикаси тўғрисида» илк маротаба қабул қилинган ҳадли конвенциясида «туризмни ривожлантиришдан мақсад иқтисодий тараққиёт, халқаро ҳамжиҳатлик, тинчликни таъминлаш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳар қандай чекловларсиз ҳурмат қилишга ҳисса қўшиш»¹ эканлиги қайд этилди. Шу нуқтаи назардан, туризм соҳасини янада ривожлантириш бўйича давлатлар ва халқаро ташкилотлар ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини кенгайтириш ҳамда халқаро миқёсида туристларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тартибга солувчи мавжуд асосларни такомиллаштиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан туризмни барқарор ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик алоқаларининг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинишини жадаллаштириш юзасидан илмий тадқиқотларнинг амалга оширилишини талаб этмоқда. Бу борада туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асосларини таҳлил этиш, туризмга оид муносабатларнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинишини кучайтириш, туризмнинг жамият тараққиётига таъсир этувчи айрим салбий жиҳатларини тартибга солишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик ҳамда мазкур соҳадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементацияси бўйича илмий изланишлар олиб борилиши алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизнинг халқаро ва минтақавий туризм ташкилотларида иштирокини фаоллаштириш, хорижий давлатлар билан яқин шартномавий-ҳуқуқий алоқаларни кенгайтириш ҳамда туризм соҳасидаги миллий қонунчиликни халқаро нормаларга мувофиқ равишда такомиллаштириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «туризм республика иқтисодиётининг стратегик секторига»² айланганлиги белгиланиб, «туризм фаолияти соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, туризмни ривожлантириш мақсадида қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни имплементация қилиш»³ мазкур соҳани жадал ривожлантиришнинг вазифаларидан бири

¹ Framework Convention on Tourism Ethics. http://cf.cdn.unwto.org/sites/all/files/docpdf/framework_conventionontourismethics-esdt101117.pdf (охирги мурожаат: 08.10.2017).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризмни жадал ривожлантиришга қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.01.2019 й., 06/18/5611/2430-сон.

хисобланмоқда. Шу нуқтаи назардан, туризмнинг халқаро-ҳуқуқий тартибга солиниши асосларини тадқиқ этиш, халқаро ҳуқуқий нормалар ва стандартларни туризм соҳасига имплементация қилиш, бу борадаги шартномавий-ҳуқуқий ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалари тўғрисида»ги (2019), Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги (2019) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли «Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони билан тасдиқланган «2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси» ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни янада самарали амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқотнинг назарий асослари хорижлик олимлар Л. Дъаморе, Ч.Гоелднер, С.Негут кабиларнинг тадқиқотларида кузатилади⁴. Халқаро ҳуқуқ субъектларининг гуманитар соҳадаги ҳуқуқий ҳамкорлик масалалари Р.Гермаин, А.Ауст, С.Субеди, М. Ҳердеген, Жочен вон Бернсторфф каби хорижий олимларнинг халқаро оммавий ҳуқуқ ва халқаро бизнес ҳуқуқига оид тадқиқотларида акс эттирилган. Туризмнинг халқаро, минтақавий ва назарий масалалари, шунингдек алоҳида турдаги туризмнинг муайян жихатлари бўйича К.Кантарчи, Р. Ланкуар ва бошқа бир қатор хорижлик олимларнинг илмий мақолаларидаги изланишлари тадқиқ этилди.

Туризм соҳасидаги давлатларнинг ҳамкорлиги ва халқаро-ҳуқуқий тартибга солишни ўрганиш Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатларининг олимлари А.Стригулина, Т.Рагимов ҳамда Е.Абайделдиновларнинг тадқиқотларида қисман акс эттирилган. МДҲ мамлакатларида олиб борилган тадқиқотлар орасида И.Чеботереванинг туристик фаолият бўйича давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлиги соҳасига оид илмий изланишлари аҳамиятлидир. И.Чеботерева халқаро универсал ҳамда минтақавий ташкилотлар доирасидаги туризм соҳаси

⁴ Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

бўйича ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатларини комплекс тарзда ўрганган. Мазкур тадқиқотчи турли ташкилотлар, жумладан БМБТТ, МДХ ва Европа Иттифоқи доирасидаги туризмга оид ҳамкорликнинг институционал ва ҳуқуқий жиҳатларини тадқиқ этган.

Ўзбекистон Республикасида диссертация тадқиқоти предметининг у ёки бу жиҳатлари А.Саидов, А.Мўминов, К.Алимов кабиларнинг халқаро ҳуқуққа оид тадқиқотларида кузатилиши мумкин. Шунингдек, туризм соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси ҳамкорлигининг ҳуқуқий жиҳатларини С.Адилходжаева ва С.Муратаевларнинг илмий мақолаларида кўриш мумкин. Ўзбекистон Республикасида туристик хизмат кўрсатиш фаолиятининг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солинишининг айрим масалалари У.Дустов томонидан тадқиқ этилган бўлса, меҳмонхона хизматларини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан ҳуқуқий тартибга солиниши масалалари Л.Ачилловнинг илмий мақолаларида ёритилган.

Мамлакатимизда туризмнинг айрим жиҳатлари бошқа фанлар доирасида ҳам ўрганилган бўлсада⁵, Ўзбекистон Республикасининг туризм бўйича халқаро, минтақавий ва икки томонлама ҳамкорлигини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш масалалари бўйича тугал тадқиқот иши мавжуд эмас. Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги халқаро, минтақавий ташкилотлар ва давлатлар билан ҳамкорлик қилиш истиқболлари, халқаро ташкилотлари доирасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва халқаро-ҳуқуқий меъёрларни миллий қонунчиликка жорий қилиш масалалари ушбу тадқиқот ишининг мазмунини белгилайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган «Халқаро туризм соҳасидаги ҳуқуқий ва институционал ҳамкорликнинг асосларини такомиллаштириш» ҳамда «Халқаро-ҳуқуқий нормалар ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш механизмини такомиллаштириш масалалари» мавзулари доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги шартномавий ва институционал халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

⁵ Усманов М.Р. Ўзбекистонда туризмни ривожланишининг минтақавий хусусиятлари (Самарқанд вилояти мисолида): География фан.ном.... Дис.- Тошкент, 2005; Abdurakhmanov K.Kh. Management of tourism: Tutorial. - Jakarta: Gunadarma Publisher, 2013.- P.25-26; Тураев Б. Х. Развитие организационно-экономических механизмов управление региональным туризмом.: Дис.... док.экон.наук. Ташкент, 2011; Файзибаева Н.Т. Европа как один из важнейших туристических центров мира // Международные отношения: политика, экономика, право.- №4.2012: - С. 60; Гольшева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях: Дис.... канд.экон.наук. Ташкент, 2012, - С.176; Рахимова Н.Р. Особенности формирование стратегии маркетинга на рынке туристических услуг.: Дис.... канд. экон. наук,-Ташкент, 2010.

халқаро ҳуқуқий тартибга солиш объекти сифатида туризм тушунчасининг таърифини комплекс тарзда таҳлил қилиш орқали тадқиқ қилиш;

туризмнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари шаклланишини назарий тадқиқ этиш асосида унинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасининг ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши жараёнини таҳлил қилиш;

Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги халқаро, минтақавий ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари ва икки томонлама шартномаларининг ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш орқали мазкур ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш учун тегишли тавсиялар ишлаб чиқиш;

туризм билан боғлиқ бўлган халқаро-ҳуқуқий норма ижодкорлигининг сўнгги тенденцияларини таҳлил этиш орқали туризм соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

халқаро ва хорижий амалиёт асосида Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамда институционал ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари бўйича илмий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги жараёнида юзага келадиган халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини туризм соҳасидаги ҳамкорлигига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда мазкур соҳадаги ҳамкорликнинг асосий шакллари ва йўналишлари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусидан келиб чиқиб диссертацияда илмий тадқиқот олиб боришнинг расмий юридик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, контент-таҳлил, ивент-таҳлил, тарихий ва ҳуқуқий шарҳлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

туризм соҳасидаги махсус ваколатли давлат органининг мамлакатимизда туризмдан ноқонуний миграция, одамларнинг меҳнат ва бошқа турдаги эксплуатация қилиш мақсадларида фойдаланилишига қарши курашни таъминлашда иштирок этиши лозимлиги асосланган;

Марказий Осиё давлатлари ўртасида туристларнинг эркин ҳаракатланиши учун шартномавий-ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш заруратини инобатга олган ҳолда ягона виза тартибини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

туристлар ва экскурсантларнинг атроф табиий муҳитга ҳамда давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий қадриятларига зарар етишидан огоҳлантириш орқали уларнинг хавфсизлигини кафолатланиши миллий қонунчилик билан белгиланиши лозимлиги асослаб берилган;

мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан туризм соҳасидаги икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий ҳамкорлиги тажрибасига мувофиқ туризмнинг турлари ва шакллари, шунингдек «экологик туризм» ҳамда

«зиёрат туризми»нинг миллий қонунчилик билан тартибга солиниши зарурияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мазкур тадқиқотда «туризм» тушунчасининг халқаро ҳуқуқий моҳияти Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқ фани тадқиқотларида илк бор илмий жиҳатдан ўрганилди. Бунда «туризм» тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилиб, туризмни халқаро-ҳуқуқий жиҳатларининг шаклланиши ва ривожланиши назарий жиҳатдан асослантирилган;

туризм соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига имплементация қилишга оид меъёр Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли Фармони билан тасдиқланган «2019 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси»га киритилиши мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси тузилмасида «Экологик ва агротуризмни ривожлантириш бўлими», «Зиёрат ва археологик туризмни ривожлантириш сектори», «Тиббиёт туризмни ривожлантириш сектори» ташкил этилиши асосланган;

тадқиқот натижалари асосида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети «Халқаро ҳуқуқ», «Дипломатик ва Консуллик ҳуқуқи» ва «Халқаро бизнес ҳуқуқи» таълим йўналишлари магистратура мутахассислиги учун «Халқаро туризм ҳуқуқи» ўқув курси ишчи дастурини ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига тадбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги мақсад ва вазифаларнинг аниқ белгиланиши, илмий ва назарий хулосаларни тартибга солувчи ва ижро этувчи маълумотларга асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижалари ва хулосаларини илмий, амалий ва педагогик фаолият мобайнида апробациядан ўтганлиги орқали таъминланади. Тадқиқотда илмий ва ҳуқуқий манбаларга ҳаволалар тақдим этилган бўлиб, жумладан, халқаро ҳуқуқий нормалар, Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилиги ва хорижий мамлакатлар қонунлари, халқаро универсал ва минтақавий ташкилотлар, Ўзбекистон ва хорижий давлатларнинг расмий веб-ресурсларига асосланганлиги билан изоҳланади. Тадқиқот натижалари бир нечта халқаро ва миллий нашрларда чоп этилган. Тадқиқот натижаларининг долзарблиги, амалиётга татбиқ этилиши ва аҳамияти расмий давлат органлари томонидан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотда туризм бўйича ҳуқуқий тартибга солишнинг турли халқаро ва миллий манбалари таҳлил қилинган, Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасининг икки томонлама ҳамда кўп томонлама шартномавий асослари умумлаштирилган ва ушбу натижалар «Халқаро оммавий ҳуқуқ», «Халқаро хусусий ҳуқуқ», «Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи», «Халқаро иқтисодий ҳуқуқ», «Халқаро бизнес ҳуқуқи» каби бир қанча фанларнинг таълим жараёнида қўлланилиши мумкин.

Ишнинг амалий аҳамияти Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий ҳамда институционал механизмларини такомиллаштиришда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мазкур диссертация тадқиқоти бўйича олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий этилганлигини тасдиқловчи қуйидаги хулосалар олинган:

туризм соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда туризмдан ноқонуний миграция, одамларнинг меҳнат ва бошқа турдаги эксплуатация қилиш мақсадларида фойдаланилишига қарши курашни таъминлашининг миллий қонунчиликда аниқлаштирилиши таклифи Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг 35-моддасини ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари Қўмитасининг 11.11.2019 йилдаги № 04/5-05-111-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг туризмнинг салбий оқибатларини олдини олиш ва уларга қарши чора-тадбирлар ишлаб чиқишда иштирок этишининг қонуний жиҳатдан мустақамланишига хизмат қилади;

Марказий Осиё давлатлари учун ягона виза жорий қилиш ҳақидаги шартнома имзоланиши тўғрисидаги таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги ПФ-5781-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича «Йўл харитаси»нинг 37-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 05.09.2019 йилдаги №03-22/6632-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф Буюк ипак йўлида жойлашган давлатларга ташриф буюрувчи туристларга эркин ҳаракат қилишлари учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг шартномавий-ҳуқуқий тартибга солинишига хизмат қилади;

мамлакатимизда туристлар ва экскурсантларнинг атроф табиий муҳитга ҳамда давлат ва жамиятнинг моддий ва маънавий кадриятларига зарар етишидан огоҳлантириш орқали уларнинг хавфсизлигини кафолатланишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги янги таҳрирдаги Қонунининг ишлаб чиқишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари Қўмитасининг 11.11.2019 йилдаги № 04/5-05-111-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф мамлакатимизда туристлар ва экскурсантларнинг ҳуқуқлари ҳамда хавфсизлигининг халқаро стандартлар ҳамда хорижий давлатлар тажрибасига мувофиқ равишда ҳуқуқий жиҳатдан аниқ белгиланишига хизмат қилади;

туризмнинг алоҳида турларининг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиниши механизмини такомиллаштириш мақсадида туризмнинг турлари ва шакллари ҳамда «экологик туризм» ва «зиёрат туризми» каби туризмни аниқ турлари тўғрисидаги норманинг миллий қонунчиликка жорий этилишига оид

таклифлар Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги янги тахрирдаги Қонунига «Туризмнинг турлари ва шакллари» номли алоҳида модда киритилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари Қўмитасининг 11.11.2019 йилдаги № 04/5-05-111-сонли маълумотномаси). Мазкур таклифлар мамлакатимизнинг хорижий давлатлар билан туризм соҳасидаги икки томонлама шартномавий-ҳуқуқий ҳамкорлиги тажрибасига мувофиқ туризмнинг аниқ турларини белгилаш учун зарур ҳуқуқий асос яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, шу жумладан 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида, шунингдек Америка Қўшма Штатлари Жорж Вашингтон университетидея Эллиот Халқаро Муносабатлар бўйича Марказий Осиё Дастурининг халқаро тадқиқот грантини амалга ошириш жараёнида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, хорижий журналларда 2 та мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг «**Туризм соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг шаклланиши**» деб номланган биринчи боби учта параграфдан иборат.

Ушбу бобнинг «*Туризм тушунчаси, унинг назарий ҳамда халқаро-ҳуқуқий жиҳатларининг ривожланиши*» деб номланган биринчи параграфидея «туризм» атамасининг шаклланиши ва унинг назарий ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан талқин этилишига эътибор қаратилди. Зеро, мазкур соҳанинг

ривожланиши билан халқаро-ҳуқуқий муносабатлар тизимида «туризм» ҳамда унга боғлиқ атамалар фаол равишда қўлланилмоқда. Бу эса уларнинг халқаро-ҳуқуқий нормалар, миллий қонунчилик ва олимларнинг илмий ишларида акс этишида намоён бўлади. Мазкур атамаларнинг марказида «туризм» тушунчаси ўрин эгаллаган бўлиб, қолган тушунчалар унинг асосида шакллантирилади. Аммо мазкур атамага нисбатан тугал ҳуқуқий жиҳатдан асосланган таъриф ишлаб чиқилмаганлиги у бўйича турли талқинларнинг шаклланишига сабаб бўлмоқда.

«Туризм» тушунчасининг моҳиятини таҳлил қилишга эътибор қаратилган ҳолда, унга берилган таърифларни икки гуруҳга – халқаро ташкилотлар ва бошқа расмий институтлар томонидан ишлаб чиқилган, яъни норматив- ҳуқуқий ҳужжатларда акс эттирилган таъриф ҳамда олимларнинг тадқиқотлари асосида берилган назарий таърифларга ажратилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур келтириб ўтилган тушунча узил-кесил эмас, албатта. Диссертант келгусидаги илмий изланишлар ва тадқиқотлар ҳам мазкур таърифлар қаторини янада бойитади, деб ҳисоблайди.

Шунингдек, диссертацияда туризмнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатларига тўхталинар экан, ҳозирги кунда замонавий халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши жараёнида халқаро туризм ҳуқуқининг алоҳида соҳа ёхуд институт сифатида шаклланаётганлиги ҳамда намоён бўлиши масаласига урғу берилди. Бу борада мавжуд тадқиқотларга ҳамда туризм соҳасидаги норма ижодкорлиги фаолияти, унинг халқаро оммавий ва хусусий ҳуқуқий томонларини, мазкур масалада шаклланаётган халқаро туризм ҳуқуқининг махсус тамойилларини таҳлил этган ҳолда унинг алоҳида соҳа сифатида шаклланиш жараёнининг тугалланмаганлиги таъкидланди. Мазкур ҳолат келгусида ушбу мавзуда кенг камровли тадқиқотлар олиб борилишига туртки бўлмоқда.

Иккинчи параграф *«Туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик шаклланишининг ҳуқуқий асослари таснифи»* деб номланиб, унда халқаро миқёсда туризм бўйича ҳамкорликнинг вужудга келиши ҳамда шаклланиши муҳим омили сифатида – мазкур соҳадаги ҳамкорликни тартибга солишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий нормалар таҳлил этилган. Туризм бўйича ҳамкорлик, асосан, уч йўналишда амалга оширилиб, улар туризмни ривожлантириш мобайнида вужудга келадиган муайян масалаларни ҳал этиш мақсадида давлатлар ўртасида шартномалар тузиш орқали, иккинчидан, давлатларнинг амалда бўлган халқаро конвенцияларга қўшилиши орқали ҳамда учинчи йўналиш сифатида туризм соҳасидаги асосий нормалар ва тамойилларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш йўли билан олиб борилиши белгиланди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликка оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни тартибга солиш объектига кўра тадқиқотчи томонидан икки гуруҳга бўлинди: туризмнинг муайян жиҳатлари халқаро ҳуқуқ нормаларида тартибга солинган ва акс эттирилган биринчи гуруҳ умумий характердаги халқаро-ҳуқуқий шартномалар ва иккинчиси туризм алоҳида махсус тартибга солинадиган халқаро ҳуқуқий шартномалар гуруҳи.

Тадқиқотчи томонидан ҳозиргача қабул қилинган туризм соҳасидаги муҳим халқаро-ҳуқуқий нормалар таснифланди. Шунингдек, олиб борилган тадқиқотларга асосланиб ушбу борадаги ҳамкорликда халқаро конференцияларнинг аҳамиятига урғу берилди. Туризм бўйича халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликнинг шаклланиши Иккинчи жаҳон урушидан кейин ривожланган бўлиб, мазкур ҳамкорлик давлатлар ва халқаро ташкилотлар томонидан ташкил этилган халқаро конференциялар кўринишида ўтказилган, унинг натижалари халқаро-ҳуқуқий актлар, Конвенциялар, Декларациялар ва бошқа нормалар тусини олган. Бу эса мазкур йўналишдаги халқаро ҳамкорлик асосларининг такомиллашувига олиб келмоқда.

Шунингдек, мазкур нормаларнинг давлатлар томонидан ижросига бевосита таъсир этишида уларнинг «Soft law» («Юмшоқ ҳуқуқ») характерга эгаллигига урғу берилди. Ушбу ҳуқуқий нормалар халқаро ҳуқуқ субъектлари сифатида давлатлар ва халқаро, минтақавий ташкилотлар томонидан ҳукуматлараро конференцияларда муҳокама қилинганидан сўнг қабул қилиниши таъкидлаб ўтилди.

Ушбу бобнинг «*Ўзбекистон Республикасида туризмнинг ҳуқуқий ва институционал тартибга солиниши: вужудга келиши ва ривожланиши*» деб номланган учинчи параграфда мамлакатимиз ҳудудида туризм ҳамда унинг ҳуқуқий ва институционал жиҳатларининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнини даврийлаштирилган ҳолда таҳлил этилган. Бу борада тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон Республикасида туризмнинг ҳуқуқий ва институционал асослари тадқиқ қилинди. Бу жараён уч даврга бўлинди. Жумладан: 1) Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги давр – Республикада туризм соҳасининг ҳуқуқий ва институционал асосларининг вужудга келиши (1991–1999 йиллар); 2) Ўзбекистонда туризмнинг халқаро-ҳуқуқий ва институционал жиҳатларининг шаклланиши даври (1999–2016 йиллар); 3) «Янги давр» – туризмни халқаро-ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан ривожланиши (2016 йилдан кейинги давр)ни қамраб олди.

Туризмнинг Ўзбекистон ҳудудида тарихий ривожланиши хусусида айрим тадқиқотларда тўхталиб ўтилган бўлсада⁶, мазкур тадқиқотда ушбу тадрижий тараққиётнинг алоҳида ҳуқуқий ва институционал асосларини ривожланиши муфассал тарзда уч даврга бўлинган ҳолда таҳлил этилди. Шунингдек, ушбу параграфда миллий тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасида 2016 йилдан то ҳозирги кунга қадар давом этиб келаётган туризм соҳасида «янги давр» атамасини қўллаб, уни мантиқий ва ҳуқуқий фактларга таянган ҳолда асослашга ҳаракат қилинди. Мазкур соҳада қисқа давр мобайнида олиб борилаётган жадал ислоҳотлар замирида чуқур ўйланган иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий асослар мавжуд, деган фикр илгари

⁶ Тураев Б. Х. Развитие организационно-экономических механизмов управление региональным туризмом: Дис.... док.экон.наук. – Ташкент, 2011; Файзибаева Н.Т. Европа как один из важнейших туристических центров мира // Международные отношения: политика, экономика, право. №4.2012: - С. 60; Гольшева Е.В. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях. Дисс....канд.экон.наук. - Ташкент, 2012. - С.176; Рахимова Н.Р. Особенности формирования стратегия маркетинга на рынке туристических услуг: Дис.... канд.экон.наук. - Ташкент, 2010.- С.166.

сурилади. Диссертацияда туризм соҳасидаги мавжуд камчиликлар тўғрисида ҳам фикр юритилар экан, уларни бартараф этишда давлат, унинг идоралари ҳамда мазкур йўналишда фаолият юритувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ва, албатта, илмий ва амалий тадқиқотларнинг роли таъкидланди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорлик тизимида»** деб номланиб, у учта параграфни ўз ичига олган. Биринчи параграф *«Ўзбекистоннинг Бирлашган Миллатлар Жаҳон туризм ташкилоти доирасидаги ҳуқуқий ва институционал ҳамкорлигининг ўзига хос жиҳатлари»* деб номланган бўлиб, унда Бирлашган Миллатларнинг Жаҳон туризм ташкилоти (БМБТТ) ва унинг тузилиши, фаолияти ҳамда унинг ҳуқуқий- институционал жиҳатлари; Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимида туризм соҳасини мувофиқлаштирувчи ягона универсал ташкилот сифатида БМБТТ билан ҳамкорлигининг асосий йўналишлари ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан тизимлаштирилган ҳолда таҳлил этилган. Шунингдек, ташкилот ташаббуси билан Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилган халқаро конференциялар ва уларнинг таҳлилий, ҳуқуқий асослари кўрсатилди. Хусусан, Буюк ипак йўлида Ипак йўлини ривожлантириш бўйича Самарқанд Декларацияси (1994), Туризм ва маданий меросни асраш тўғрисидаги Хива Декларацияси (1999) ҳамда Буюк ипак йўлида туризм тўғрисидаги Бухоро Декларацияси (2002) шулар жумласидандир.

Мазкур ташкилот, ўз навбатида, БМТнинг яна бир муҳим гуманитар ташкилоти ҳисобланган ЮНЕСКО билан ҳамкорлигини ва Ўзбекистон Республикасининг ҳам ушбу ташкилот доирасидаги туризмга оид ҳамкорлигини ҳисобга олиб, ушбу ташкилотнинг туризмга оид фаолиятининг ҳуқуқий асосларига ҳам тўхталиб ўтилиши лозим деб топилди.

Шунингдек, туризм соҳасида нафақат Ўзбекистоннинг, балки Марказий Осиёнинг ҳам мавжуд потенциали тадқиқ этилиб, эътибор минтақа доирасида БМБТТ билан ҳамкорликнинг ҳуқуқий-институционал томонларини ҳамда БМБТТнинг Ўзбекистондаги «Ипак йўли» офисининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилди.

Диссертацион тадқиқотнинг иккинчи параграфи *«Ўзбекистон Республикасининг минтақавий ташкилотлар билан туризм соҳасидаги ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари»* деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасининг ҳамкорлик алоқалари ривожланган муайян минтақавий ташкилотлар билан туризм соҳаси бўйича мавжуд амалий ҳамкорлигининг назарий ҳамда ҳуқуқий асослари ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) доирасидаги ҳамкорлик, бир томондан, гуманитар ва туризм соҳасидаги шартномалар асосида, иккинчи томондан, мазкур шартномаларни амалга ошириш механизми доирасида тузилган институционал идора – Кенгаш фаолияти билан тартибга солиниши таъкидланган. Тадқиқотда улар фаолиятининг ҳадли шаклини кенгайтирган равишда, халқаро ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда туризм соҳасида

самарали ҳамкорликни амалга оширишнинг ҳуқуқий ва институционал жиҳатларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти билан туризмни ривожлантириш бўйича мавжуд бўлган ҳамда лойиҳадаги шартнома ва дастурлари тадқиқ этилди. Бунда диссертант ташкилотнинг минтақалараро хусусиятидан келиб чиққан ҳолда туризм бўйича кўп томонлама ҳамкорликнинг истиқболларига урғу берди. Хусусан, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида туризмни ривожлантиришда ташкилот доирасидаги нодавлат ташкилотлари (тур операторлар ва туристик агентликлар ассоциациялари)нинг фаолиятини ташкил этиш масаласи тадқиқ этилди.

Диссертацияда ҳар иккала ташкилот доирасида уларга аъзо давлатларнинг манфаатлари ва ҳамкорлиги истиқболларидан келиб чиққан ҳолда, туризм соҳасида махсус (эко туризм, зиёрат туризми, оилавий туризм, ёшлар туризми каби) кўп томонлама шартномалар ва «йўл харита»лари тузилишининг аҳамияти таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг *«Ўзбекистон Республикасида туризмни янада ривожлантиришда икки томонлама шартномаларининг аҳамияти»* деб номланган учинчи параграфи Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги икки томонлама шартномаларининг амалий жиҳатларини комплекс тарзда назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил этишга бағишланган. Тадқиқотчи томонидан мамлакатимиз иқтисодий секторида муҳим стратегик аҳамият касб этаётган туризм соҳасида икки томонлама ҳамкорликка оид шартномавий-ҳуқуқий базанинг таҳлилий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қилинган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги икки томонлама шартномалар базаси йилдан - йилга ўсиб бораётганлиги диққатга сазовордир. Хусусан, 2013 йилда уларнинг сони 45 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда ушбу кўрсаткич умумий ҳисобда 60 тага етганлиги кўрсатилади⁷. Мазкур турдаги шартномалар таҳлили мобайнида уларнинг умумий хусусиятлари кўрсатилиб, мазкур шартномалар уларнинг мазмуни ва тартибга солиш объекти жиҳатидан икки гуруҳга ажратилди, хусусан: 1) икки томонлама шартномаларда туризм масалалари бошқа бир қатор гуманитар ҳамкорликка оид муносабатлар билан биргаликда тартибга солинган шартномалар; 2) ҳамкорликка оид шартномаларда туризм соҳаси алоҳида тарзда тартибга солинувчи Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама шартномалари.

Шунингдек, ҳукуматлараро ва идоралараро шартномалар таҳлиliga ҳам алоҳида тўхталиб, мазкур соҳадаги икки томонлама шартномалар туризмнинг айнан қайси турдаги йўналишларини тартибга солиши белгиланди. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд ҳамкорликнинг истиқболлари ва уларнинг ҳуқуқий жиҳатларини кўзда тутади.

⁷ Диссертантнинг Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида 2017-2018 йилларда амалиёт ўташи натижасида олган маълумотлари асосида.

Комплекс таҳлилни давом эттирган ҳолда, Европа Иттифоқининг ўзига хос битими ҳисобланган Шерикчилик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги Келишув асосидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларига тўхталиб мазкур шартноманинг туризм соҳасидаги ҳамкорлигига оид 61-моддасининг таҳлиliga эътибор қаратилди. Таҳлил асосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур шартнома асосида олиб бораётган гуманитар соҳадаги алоқалари орасида туризм соҳасининг аҳамияти ҳамда унинг шартномавий-ҳуқуқий жиҳатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, Европа Иттифоқининг янги стратегияси тадқиқотчи фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари билан мутаносиб эканлиги таъкидланди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг ҳуқуқий ҳамда институционал асосларини такомиллаштириш**» деб номланиб, у учта параграфдан иборат.

Биринчи параграф «*Туризм соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни Ўзбекистон Республикасининг миллий қонунчилигига имплементация қилиш масалалари*» деб номланади. Тадқиқотда бу борада, авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг туризмни тўғридан-тўғри тартибга солувчи халқаро-ҳуқуқий нормаларга қўшилмаганлиги таъкидланади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда мазкур соҳани ҳар томонлама халқаро стандартларга мос равишда тартибга солинишида турли номуносивликларни келтириб чиқаради. Ушбу камчиликлар қонунчиликда акс этиши диссертацияда халқаро нормалар билан таққослаган ҳолда қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертацияда БМБТТнинг 2017 йилда имзоланган «Туризм этикаси тўғрисида»ги ҳадли Конвенцияси таҳлиliga тўхталиб, ушбу норматив-ҳуқуқий акт Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Туризм этикаси Кодексининг асосий тамойилларига янгича ёндашувни акс эттириши таъкидланиб, унинг Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантиришдаги аҳамияти изоҳланади.

Халқаро нормалар таҳлилини давом эттириб, мамлакатимизда эко туризм соҳасини ривожлантиришда Квебек Декларациясининг аҳамияти белгиланади. Хусусан, Декларациянинг муайян нормаларини қўллаш ва амалга оширилиши Ўзбекистоннинг экологик ва агротуризм ривожини учун зарур бўлган ҳуқуқий ва ташкилий масалаларни белгилашда муносиб омил бўлиб хизмат қилишига урғу берилади.

Халқаро ҳамжамиятда туризм соҳасининг ҳуқуқий асослари такомиллашиб бораётганлигини ҳисобга олиб, БМБТТ томонидан ишлаб чиқилиб, давлатлар муҳокамасига тақдим этилган «Туристларни муҳофаза қилиш ҳамда туристик хизмат провайдерларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида»ги Конвенция лойиҳаси таҳлили тадқиқотчи томонидан келтирилди. Мазкур Конвенция туризм бўйича давлатлар ҳамкорлигини аниқлаштирилиши, бу борада давлатлар ва туристик фаолият субъектларининг долзарб масалалардаги ўзаро ҳамкорлигини тартибга солувчи «Hard Law» («Қаттиқ ҳуқуқ») характериға эга кучли ҳуқуқий асос

бўла олади. Шу боис диссертант томонидан ушбу норманинг назарий ва ҳуқуқий таҳлили алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, тадқиқотда бугунги кунда мамлакатимиз учун долзарб бўлган – «Ногиронлиги мавжуд шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги халқаро Конвенцияни ратификация қилиш ҳамда унинг миллий қонунчиликка имплементация қилинишида ушбу шахсларнинг туризм билан боғлиқ ҳуқуқлари ҳақида ҳам тўхтаб ўтилган.

Диссертациянинг учинчи боби иккинчи параграфи «*Ўзбекистон Республикасида ислом зиёрат туризмнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини такомиллаштириш*» деб номланади.

Мазкур параграфда Ўзбекистон Республикасининг шартномавий-ҳуқуқий амалиётида янги шаклланаётган зиёрат туризми («ислом зиёрат туризми» атамалари) номи билан юритилаётган туризм соҳасининг йўналишларидан бирини такомиллаштириш масаласи тадқиқот мақсадларидан келиб чиқиб, илмий-назарий, норматив-ҳуқуқий ҳамда амалий жиҳатлардан шакллантирилган.

Диссертацида Ўзбекистоннинг ислом маданияти марказларидан бири бўлган тарихий- диний туризмни ривожланиши потенциалига алоҳида урғу берибгина қолмай, балки унинг Ислом Ҳамкорлик Ташкилотининг аъзо давлатлари билан муносабатлари, ушбу ташкилот доирасида туризм соҳасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари тадқиқ этилади. Шунингдек, бу мавзунини муфассал таҳлил этишда туризм билан бир қаторда, ислом туризми ривожланган Осиё ва Тинч океани минтақасининг илғор давлатларидан бири – Малайзиянинг мазкур йўналишдаги ҳуқуқий ва амалий тажрибасига мурожаат этилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, зиёрат туризмни амалий жиҳатдан ривожлантиришда хорижий давлатларнинг тажрибасини ўрганиш ва унинг муҳим ва фойдали томонларини миллий қонунчилик ва амалиётга татбиқ этиш масаласи мамлакатда туризм соҳасини янада такомиллаштиришда муҳим омилга айланиб бораётганлиги кузатилмоқда.

Ушбу бобнинг «*Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиши шароитида туризм соҳасининг истиқболлари ва хорижий давлатлар амалиётининг ҳуқуқий-институционал жиҳатлари*» деб номланган учинчи параграфи Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувида муҳим ўрин эгаллайдиган ва кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлаётган Жаҳон савдо ташкилотининг хизматлар савдоси соҳасидаги умумий шартномаси (GATS)ни имзолаш истиқболлари билан боғлиқ масалалар таҳлиliga бағишланади.

Маълумки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо сифатида қабул қилиниши бўйича музокараларни фаоллаштириш юзасидан назарий ва амалий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мазкур ташкилотга аъзолик истиқболларини ҳар томонлама таҳлил этиш заруриятини келтириб чиқаради. Тадқиқотда мазкур ташкилотга кириш орқали туризм соҳасидаги кутилиши мумкин бўлган ҳуқуқий- институционал ўзгаришлар таҳил

килинади. Бунда, авваламбор, Жаҳон савдо ташкилотининг хизматлар савдоси тўғрисидаги умумий шартномаси (GATS)нинг 1Б Иловаси мазмунини ҳамда туризм хизматлари ва уларни етказиб бериш билан боғлиқ шартномадан келиб чиқувчи давлатлар мажбуриятлари, уларга тақдим этиладиган имкониятлар ҳамда чекловлар борасида фикр юритилади.

